● ҚИШКИ МАВСУМ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДАН ДАРАКЛАР

# ФИДОЙИ ХИЗМАТ САМАРАСИ

Артиллериячилар қисмида хизматини бошлаган оддий аскар Икром Содиқов дастлабки кунларданоқ армиянинг ўзига хос тартиб-қоидаларига риоя этиб, Низом талабларини пухта ўзлаштиришга интилди. Айниқса, қўлида қурол билан тантанали равишда Ҳарбий Қасамёд қабул қилганида, у ўз зиммасига юкланаётган масъулиятни чуқур англаб етди.

Шу боисдан ҳам Икром берган сўзига содиқ қолиб, бурчини виждонан ўташга астойдил киришди. Ҳарб илмини ўрганишда бепарво бўлмади, билмаганларини сўраб ўрганди. Ҳар қандай меҳнатнинг самараси бўлгани каби Икромнинг саъй-ҳаракатлари кўпчиликнинг диққатини жалб қилди. Ундаги интилиш, тиришқоқлигини кўрган командирлар Икромни гуруҳ бўлинмаси командири вазифасига тайинлашди.

Бу ишончни оқлаш учун у тез орада ўзига бириктирилган бўлинмада кўп ишларни амалга оширди. Аскарнинг кун тартибига риоя этиб, озода кийиниб юришидан тортиб, барча турдаги тайёргарликларга муносабатини шахсан ўзи жиддий назорат остига олди. Бажарилиши лозим бўлган ишларга режа тузган чоғларида устоз-командирлари билан маслаҳатлашди. Тинимсиз изланди.

Унинг бу ҳаракатлари бесамар кетмади. Бўлинмада тартиб-интизом ва мустаҳкам дўстлик муҳити вужудга келди. Илғор аскарлар сафи кенгайди. Икромнинг пухта иш юритиши, командирларга хос хусусият билан буйруқ бериб, топшириқларни бажариши қисм қўмондонлигини ҳам қувонтирди. Бугунги кунда кичик сержант И. Содиқов етакчилик қилаётган бўлинма илғор жамоалардан бирига айланган.

Ҳа, ўз ишининг устаси, жанговар, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси кичик сержант И. Содиқов қўл остидаги ҳарбий хизматчиларга таълим беришда кўпчиликка ўрнак бўлаётир. Айни пайтда мазкур бўлинма шахсий таркиби дала-ўқув машғулотларида иштиёқ билан қатнашмоқдалар. Аҳил жамоа ҳар бир аъзоси Ватан ҳимоячилари кунини барча тайёргарликларда муваффақиятларни қўлга киритган ҳолда қарши олишга азму қарор қилишган. Шу боис бўлинманинг азамат йигитлари ўз касбий маҳоратларини оширишга, офицер ва сержантларнинг буйруқ, кўрсатмаларини оғишмай бажаришга бор имкониятларини сафарбар этмоқдалар. Бунда меҳнатсевар кичик командир ҳамиша бош-қош.

**Лейтенант Ҳасан МИРЗАЕВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

# ИНТИЛУВЧАН ПОСБОН

— Мен она-Ватанимга жонимни ҳам беришга тайёрман,— дейди Қўқон гарнизонида йигитлик бурчини ўтаётган оддий аскар Одилжон Ҳасанов.

Бу шунчаки айтилган сўзлар эмас. Бу жумлаларни айтиш учун инсон юрагида юртга садоқат, меҳр ва эзгулик сингари олий туйғулар муқим бўлмоғи керак. Одилжон мана шундай фидойи қалб соҳиби.

У Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидан хизматга отланганида 2001 йилнинг кузи эди. Мана, вақт оқар дарё деганларидек, унинг муддатли бурчини ўтаётганига ҳам бир йилдан ошди. Йигитлик мактабида ўтган шу фурсат унга нафақат ҳарб илмидан, балки ҳаёт синовларидан ҳам сабоқ берди. Хизматнинг қонуниятларига қатъий риоя қилиш, янги муҳит, янги дўстлар билан тил топишиш йигитдаги ғайрат, муомала, масъулиятни чуқур ҳис қилиш каби хислатларни юзага чиқарди.

Одилжон ҳарбий ҳаётга сингиб боргани сари назарий ва амалий машғулотларда ҳам аълочи аскарлардан ортда қолмасликка ҳаракат қилди. Шу сабабли ўтган мавсум синов машғулотлари йигит учун анчайин омадли келди. Бироқ, янги марраларни эгаллашга интилган аскар ютуқлардан ғурурланиб, хотиржамликка берилмади. Бу борада унинг ўзи шундай фикр билдирди:

— Бизга ҳарб илмидан батареямиз командири катта лейтенант Музаффар Ўринов ўта эътибор ва талабчанлик билан машғулот ўтади. Ҳарбий қисмимизда машғулотларни чуқур ўзлаштиришимиз учун махсус жиҳозланган хоналар, кўргазмали қуроллар, техник воситалар етарли. Шундай шароит бўла туриб, устоз-офицерлар берган билимни етарлича эгалламаслик аскар шаънига доғ туширади, деб биламан. Мен жамоамизнинг аълочи посбонларидан бўлган оддий аскарлар — Бекзод Маматов ва Ўктам Хўжаевларга ҳавас қиламан. Ўтган мавсум синов машғулотларида улардан ортда қолмасликка ҳаракат қилдим. Аммо бу мен учун етарли эмас. Чунки юксак мақсадни кўзлаб, қатъият билан ҳаракат қилган посбон, албатта етукликка эришади.

Мен муддатли хизматни илғорлар сафида ўтаган акамга ҳавас қилиб, ота-онамга «мен ҳам худди акамдай хизмат қиламан», деб армияга келганман. Укаларимни эса менга ҳавас қилиб хизмат бошлашларини жуда истардим. Шунинг учун қишки ўқув мавсумини астойдил тайёргарлик билан бошладим. Ўйлайманки, якуний синов машғулотларида илғорлар сафида бўлиб, муддатли хизматдан ота-онам олдига ёруғ юз билан қайтаман.

Йигитлик бурчини майор Ҳусниддин Ҳожиматов бошчилик қилаётган ҳарбий жамоада ўтаётган оддий аскар Одилжон Ҳасановнинг юрак сўзлари мана шундай. Ҳарбий жамоада тажрибали ва талабчан офицерлар қанча кўп бўлса, илғорликка даъвогар, интилувчан посбонлар сафи ҳам шунча кенг бўлади. Бу эса ҳарбий қисмни Қуролли Кучлар сафидаги илғор жамоалар қаторидан ўрин олишига замин яратади.

Мақоламизни эса Одилжоннинг қуйидаги тилаклари билан якунлашга қарор қилдик.

— Мен барча аскарлар, устоз-офицерлар ва барча-барчани яқинлашиб келаётган 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни билан самимий табриклайман. Хонадонларига тинчлик, хизматларида зафарлар тилайман.

**Зулфия ЮНУСОВА,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

# МАМНУНЛИК БОИСИ

Махсус бўлинманинг таъминот қисмида хизмат қилишнинг ўзи бўлмайди. Бу ерга йигитларни ҳар тарафлама саралаб олишади. Командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Анвар Далабоев оддий аскар Саҳобиддин Мадаминовни ўз жамоасига танлаб олганида янглишмаган экан. Ахир, аскар йигит ҳам профессионаллар мактабида — Самарқанд сержантлар тайёрлаш мактабида хизмат қилаётганди-да.

Саҳобиддин муддатли ҳарбий хизматгача мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳайдовчилар тайёрловчи мактабида ўқиган. «Б», «С» тоифали ҳайдовчи. Гарчи ҳозир армияда ҳайдовчилик қилмаётган бўлса-да, эгаллаган вазифасидан норози эмас. Ўқчи посбон бўлиш, қуролни моҳирона ишлатиш ҳам шарафли.

— Янги йилни шоду хуррамлик билан қаршиладик. Казармада арча безатиб, байрамона дастурхон тузадик. Қорбобо ҳам ўзимиздан бўлди. Байрам олдидан уйдан — Наманганнинг Попидан хат олганим кайфиятимни янада кўтарди. Яқинларим мени байрам билан қутлашибди. Юртнинг асл посбони бўлишга мени даъват этишибди. Ўзи интилишларим, қатъиятим замирида ҳам шу ётибди. Мана, олдимизда яна бир улкан байрам. Мен Ватан ҳимоячилари кунини биринчи бора ҳарбий хизматда кутиб оламан. Жамоамиз ўтган ўқув йилида ғолибликни қўлга киритган. Янги мавсумда ҳам илғорликни қўлдан бермасликка аҳд қилганмиз, — дейди оддий аскар С. Мадаминов.

Қисқаси, Саҳобиддин Ватанга нафи тегаётганидан жуда мамнун. Яшашнинг мазмуни ҳам ана шунда-да.

**Капитан Ш. ТОЛМАСОВ.**



◆

**Мудофаа вазирининг буйруқ ва кўрсатмаларидан ўз вақтида хабардор бўлган ҳарбий хизматчи, албатта, уларни тез ва соз уддалайди.**

**Штаб бошлиғи капитан Баҳром Қамбаров ҳамиша ўз қўл остидаги офицерлар ва шартнома бўйича хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларни Мудофаа вазирлигидан келган барча ҳужжатлардан ўз вақтида бохабар қилиб туради.**

**Капитан Б. Қамбаров жанговар гуруҳ командирлари — лейтенант Умид Мирзаев, лейтенант Абдурауф Назарматов, гуруҳ командири ўринбосари шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Сулайман Исомиддинов, старшина шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Зинур Сеидмаметовларни Мудофаа вазирининг навбатдаги буйруғи билан таништиряпти. У аввало буйруқни ўқиб эшиттирди. Қўл остидагилардан тушган саволларга жавоб қайтарди. Ҳаммаси обдон тушунгач, команда берди: «Буйруқни бажаришга киришинг!»**

**Александр МРУЧАК** олган сурат.

◆

# ПОВЫШАЯ ИНТЕРЕС К ТЕХНИКЕ

— Любовь к технике, военному делу в нашем подразделении прививается военнослужащим с первого дня их службы,— рассказывает командир взвода старший лейтенант Ш. Саттаров. — И работа в этом направлении продолжается вплоть до увольнения в запас — на занятиях по боевой и общественно-политической подготовке, в ходе мероприятий, проводимых по планам воспитательной работы. В начале учебного года был организован показ молодым воинам современной техники и оружия. Офицеры, военнослужащие контрактной службы, отличники учебы и классные специалисты рассказали новобранцам о боевых свойствах и технических данных машин и оборудования, а затем показали их в действии...

Большую воспитательную роль сыграло и торжественное вручение начинающим воинам боевой техники и оружия. Этот день стал важным событием в их жизни.

Сейчас, когда зимняя боевая учеба набирает темпы, офицеры подразделения, воины-контрактники заботятся о том, чтобы каждое занятие по технической подготовке носило воспитательный характер, развивало у солдат чувство гордости за имеющуюся на вооружении технику, мобилизовало их на ее глубокое изучение.

— В тесной связи с учебными занятиями,— говорит старший техник подразделения сержант по контракту Д. Рузиев,— и в дополнение к ним у нас используются многочисленные формы и методы военно-технической пропаганды. Прочное место в жизни коллектива занял, например, технический кружок. Он создан с учетом уровня подготовки воинов. Программа учебы в нем корректируется командиром в зависимости от хода плановой учебы, от запросов личного состава. Все это помогает начинающим воинам лучше освоить вверенную им технику, а впоследствии и повысить классность.

— Большой популярностью у нас пользуются вечера боевой техники, вечера вопросов и ответов, состязания, конкурсы и особенно — технические викторины,— рассказывает младший сержант С. Эшонкулов.— Викторины составляются из вопросов по устройству, работе и эксплуатации техники и оружия. Такой порядок рассчитан на то, чтобы развивать умение быстро мобилизовать имеющиеся знания. А победителей, конечно, ждут поощрительные призы.

Ценность проводимых мероприятий состоит в том, что они вносят в изучение оружия и боевой техники дух соревнования, повышают у воинов интерес к технической подготовке, как учебному предмету.

В результате многие водители подразделения хорошо и отлично владеют навыками вождения, обеспечивая наиболее полное использование технических возможностей вверенных им машин. Например, рядовые Д. Шодиев, В. Садуллаев, Х. Имамов, А. Семернин и другие уверенно и умело водят машины по пересеченной и труднодоступной местности на максимально возможных скоростях, являются передовиками соревнования, достойными делами встречают 11-ю годовщину Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

**Сергей БУДАЕВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**

# 2003

ВАТАНПАРВАР

| Январь | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Пн | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Вт | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ср | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Чт | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Пт | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Сб | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Вс | 5 | 12 | 19 | 26 | |

| Февраль | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Пн | | 3 | 10 | 17 | 24 |
| Вт | | 4 | 11 | 18 | 25 |
| Ср | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| Чт | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Пт | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Сб | 1 | 8 | 15 | 22 | |
| Вс | 2 | 9 | 16 | 23 | |

| Март | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Пн | | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Вт | | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Ср | | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Чт | | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Пт | | 7 | 14 | 21 | 28 | |
| Сб | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 | |
| Вс | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 | |

| Апрель | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Пн | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Вт | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ср | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Чт | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| Пт | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Сб | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Вс | 6 | 13 | 20 | 27 | |

| Май | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Пн | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| Вт | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Ср | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Чт | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Пт | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Сб | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Вс | 4 | 11 | 18 | 25 | |

| Июнь | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Пн | | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Вт | | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| Ср | | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Чт | | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Пт | | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Сб | | 7 | 14 | 21 | 28 | |
| Вс | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 | |

| Июль | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Пн | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Вт | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Ср | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Чт | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Пт | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Сб | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Вс | 6 | 13 | 20 | 27 | |

| Август | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Пн | | 4 | 11 | 18 | 25 |
| Вт | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| Ср | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Чт | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Пт | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Сб | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Вс | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |

| Сентябрь | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Пн | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Вт | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ср | 3 | 10 | 17 | 24 | |
| Чт | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Пт | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Сб | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Вс | 7 | 14 | 21 | 28 | |

| Октябрь | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Пн | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Вт | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Ср | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Чт | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Пт | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Сб | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Вс | 5 | 12 | 19 | 26 | |

| Ноябрь | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Пн | | 3 | 10 | 17 | 24 |
| Вт | | 4 | 11 | 18 | 25 |
| Ср | | 5 | 12 | 19 | 26 |
| Чт | | 6 | 13 | 20 | 27 |
| Пт | | 7 | 14 | 21 | 28 |
| Сб | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Вс | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |

| Декабрь | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Пн | 1 | 8 | 15 | 22 | 29 |
| Вт | 2 | 9 | 16 | 23 | 30 |
| Ср | 3 | 10 | 17 | 24 | 31 |
| Чт | 4 | 11 | 18 | 25 | |
| Пт | 5 | 12 | 19 | 26 | |
| Сб | 6 | 13 | 20 | 27 | |
| Вс | 7 | 14 | 21 | 28 | |

## Девиз 2002 – 2003 учебного года:

**“Надежно защищать Родину, мир и спокойствие народа, быть патриотом, настойчиво совершенствовать профессиональное мастерство, строго соблюдать требования законов и общевоинских уставов – долг и обязанность каждого военнослужащего”.**

● ТЕЛЕАНОНС

## «ВАТАНИМГА ХИЗМАТ КИЛАМАН»

12 января в 10 часов по первому каналу Узбекского телевидения смотрите очередной выпуск военно-патриотической передачи «Ватанимга хизмат киламан», подготовленный Военной студией Министерства обороны Республики Узбекистан.

В этом выпуске военные тележурналисты расскажут о том, как воины-узбекистанцы готовятся встретить свой профессиональный праздник — День защитников Родины. Вы увидите репортажи из частей и подразделений, в передаче прозвучат также поздравления в адрес военнослужащих от родителей и сослуживцев. В этом же выпуске передачи будут показаны сюжеты в постоянных рубриках.

Повтор этого выпуска смотрите во вторник, 14 января, в 16.55.

**Наш корр.**

# ВОСТОЧНЫЙ ГОРОСКОП

**ОВНАМ** придется принимать сложные судьбоносные решения с прицелом на все предстоящие 12 месяцев. Чтобы не ошибиться в этом непростом деле, необходимо трезво оценить свои желания, способности и возможности. В этом случае все то, что вы задумали и запланировали на этот год, может быть реализовано без лишних потерь. Удачные дни — понедельник и четверг.

**ТЕЛЬЦЫ** имеют все шансы значительно продвинуться в профессиональной деятельности, если подумают о том, как привлечь к сотрудничеству влиятельных лиц. Используйте собственный талант убеждения — поддержка сильных мира сего, способных решать многие вопросы, будет гарантирована. В личной жизни грядут приятные перемены. Благоприятные дни — среда и четверг.

**БЛИЗНЕЦЫ** могут смело рассчитывать на получение прибыли при помощи иностранных партнеров. Вообще, тем, кто занимается бизнесом, предстоит финансовый успех. Самое главное — взять всю инициативу в свои руки и своевременно завести крепкие контакты с новыми партнерами. Благоприятные дни — понедельник и среда.

**РАКАМ** в первые дни наступившего года придется приложить немало усилий, чтобы избежать нестабильности как на работе, так и дома. А сделать это можно легко — просто не надо конфликтовать с окружающими. В личных отношениях будьте осторожны. Избегайте рискованных поступков. Удачные дни — понедельник и среда.

**ЛЬВЫ** с началом нового года получат отличный шанс быть увиденными и услышанными. Дела, связанные с работой, будут даваться легко, проблемы отступят. На работе конфликты сгладятся, стабилизируются отношения с коллегами и начальством, начнет расти авторитет. Появится возможность получить вознаграждение. Благоприятные дни — среда и четверг.

**ДЕВАМ** следует начать готовиться к серьезным переменам на службе — вскоре удастся осуществить свои давние желания, связанные с карьерным ростом, год будет этому способствовать. Семейные отношения порадуют своей откровенностью и теплотой. Не исключено, что заглянут давнишние друзья и старые знакомые. Благоприятные дни — понедельник и суббота.

**ВЕСАМ** уготовано множество приятных сюрпризов. Велика вероятность крупного выигрыша в лотерею или получения каких-либо подарков. Можете строить большие планы в отношении работы и продвижения по службе, а эта неделя будет благоприятной для укрепления авторитета и самовыражения. Удачные дни — вторник и четверг.

**СКОРПИОНАМ** пока будет сложно трезво оценить свои возможности и способности. Тем не менее ожидается весьма плодотворный и небывалый успех в делах. Благосклонность звезд будет особенно ощутима в понедельник и пятницу.

**СТРЕЛЬЦАМ** полезно посвятить первые дни и недели нового года семье и семейным делам. Любые предложения и инициативы увенчаются успехом и непременно найдут понимание и поддержку у второй половины. Некоторые планы на будущее придется откорректировать в соответствии со своими нынешними финансовыми возможностями. Удачные дни — понедельник и суббота.

**КОЗЕРОГАМ** предоставляется возможность переосмыслить свое поведение и достижения. Новый взгляд на вещи станет главным результатом последних месяцев и в будущем способен принести немало свежих идей и планов. Этот период благоприятен для заключения намеченных ранее контрактов и оформления финансовых сделок. Удачные дни — среда и пятница.

**ВОДОЛЕИ** смогут реализовать творческие порывы, чего в конце прошлого года сделать не удавалось. Жизненный потенциал будет находиться на высоком уровне, дела будут удаваться легко. К концу недели вероятны незначительные перемещения по служебной лестнице в сторону роста. Благоприятные дни — понедельник и суббота.

**РЫБАМ** первые недели наступившего года не способствуют началу каких-либо новых дел. Лучше всего отказаться от всякой деятельности и не проявлять инициативу, а весело продолжить празднование прихода 2003 года, по крайней мере до следующей недели. А вот с ее началом надо будет не терять времени даром и активно включиться в работу. Удачные дни — вторник и среда.

Бош муҳаррир ўринбосари подполковник Х. ЖУМАНАЗАРОВ.

Газета выходит по вторникам, четвергам, субботам.

КОНТАКТНЫЕ ТЕЛЕФОНЫ:
Отдел подписки — 56-03-46.
Информация, реклама — 56-54-76.
Факс (3712) — 56-07-80.
Наш адрес: 700031, г. ТАШКЕНТ, УЛ. Д. КУНАЕВА, 21.

Ответственность за достоверность сведений в рекламе и объявлениях несет рекламодатель.
Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати.
Рег. № 00050.
Этот номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 04.